



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «25» июль

VI-31-48-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

**Вилоятда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича II чорақда амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлигининг ҳисоботи тўғрисида**

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича II чорақда амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Ж.Чориевнинг ҳисоботини инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Вилоятда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Ж.Чориевнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ф.Маманов), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов), туман (шаҳар) ҳокимликлари жорий йилнинг 20 июль кунига қадар I чорақда қолган маблағлар ҳамда II чорақда маҳаллий бюджетдан ортириб бажарилган маблағларни “Ёшлар жамғармаси”га тушуриш чораларини кўрсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (И.Сапаров), Ёшлар ишлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси (Ж.Чориев) бу йилги таълим муассасаларини тамомлаб, меҳнат бозорига кириб келаётган 43 минг нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича 10 (ўн) кун муддатда “Йўл харита” ишлаб чиқсин.

“Ёшлар дафтари”га алоқадар бўлган барча сектор раҳбарлари, бошқарма ва ташкилотлар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари жорий йилнинг 20 июль кунига қадар 2021 йил III чорақ режа графиклари, кафолат хатини тайёрлаб, вилоят штаби (Ж.Чориев)га тақдим этиш чоралари кўрсин.

Бунда III чорак режа графигини туман (шаҳар), сектор ҳамда маҳалла кесимида шаклантирилишига ва меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар бандлигини таъминлаш, 1 октябрга қадар режанинг бажарилишини инобатга олган ҳолда алоҳида эътибор қаратсин.

2021 йил II чорак давомида “Ёшлар дастури” ва “Ёшлар дафтари”га киритилиб, бандлиги таъминланган, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилган, ер майдони ажратилган ҳамда 5 та муҳим ташаббус бўйича амалга оширилган ишларнинг тўлиқ маълумотларини асослантилган ҳужжатлари билан 2021 йил 25 июль кунига қадар яқунлаб, вилоят штабига тақдим этсин.

4. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан тегишли мансабдор шахслар томонидан ҳар ой якунига қадар халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ёзма ахборот киритиб борилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Холлиева) зиммасига юклансин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**